

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Экспорт контракти бўйича дебиторлик қарзи 120 кунда сўндирилиши керак

Президентнинг 3.11.2017 йилдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Ҳужжатда дебиторлик қарзининг йўл қўйиладиган 120 кунлик муддати фақат экспорт контрактларига татбиқ этилган. Ушбу муддатни ҳисоблаш пайти ҳам ўзгарди:

➤ ишлар ва хизматларни экспорт қилиш операциялари бўйича – бажарилган ишларни қабул қилиш даволатномаси имзоланган пайтдан бошлаб;

➤ товарларни экспорт қилиш операциялари бўйича – божхона юк декларацияси расмийлаштирилган пайтдан бошлаб.

Изоҳ: муддат Ўзбекистон резидентлари-муассислар томонидан чет элдаги ташкилотларига (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларига), шунингдек ССР аъзолари томонидан – савдо-инвестиция уйларига олиб чиқиб кетиладиган товарларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Муддатини ўтказиб юборганлик учун молиявий санкциялар қўлланади.

Тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган

аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан сугурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва ушбу қарорга иловада кўрсатилган товарлар бундан мустасно.

Муддати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлган тақдирда экспортга бўлган ҳуқуқнинг ўзи сақланиб қолади. Бироқ, агар муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд бўлса, юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети талаб қилинади.

Шунингдек қуйидагилар белгиланди:

➤ экспортга божхона расмийлаштируви ТСОЯЭА тизимида ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалга оширилади (ҳом ашё товарлари, шунингдек, инвойс асосида экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно);

➤ ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун бевосита тадбиркорлик субъектлари жавоб

берадилар. Импорт қилувчининг жавобгарлиги эса бу ерда экспорт қилувчининг жавобгарлигига тенглаштирилди;

➤ энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзага келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, энгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади;

➤ товарлар, ишлар ва хизматлар экспорт қилувчининг ҳисобрақамига экспорт контрактини сугурталаш полиси бўйича сугурта қопламаси суммаси (миллий ва/ёки хорижий валюталарда) тушганда, ушбу экспорт контракти бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадлари учун сугурта қопламаси суммасига камайтирилади;

➤ божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолда Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан экспорт божхона юк декларацияси мажбурий тақдим этилиши бўйича талаб бекор қилинди;

➤ «вақтинча олиб кириш» божхона режими остидаги товарларни қайта экспорт қилишга давлат божхона хизматлари органлари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талаб бекор қилинади;

➤ 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари товарларни (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контракти тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон банкларидаги ҳисобрақамларига олдиндан тўлов 100% тушгандан сўнг ва ТСОЯЭА тизимида маълумотларни киритиш шарт билан экспорт қилишга ҳақли.

Уларуши савдонинг амалга оширишга лицензия олиш учун илгаридек устав жамғармасини ЭКИХнинг 3 500 бараварида, шундан ЭКИХнинг 1 200 бараварини пул шаклида шакллантириш зарур.

Ўзбекистонда хусусий иссиқлик, электр энергияси ва биогаз етказиб берувчилар пайдо бўлади

Президентнинг 8.11.2017 йилдаги «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори («СБХ»нинг бугунги сони ҳужжатлар пакетида чоп этилган) қабул қилинди.

1.01.2018 йилдан энергия ресурсларига ўсиб боровчи коэффициентлар жорий этилади, энергия тежовчи технологиялар мажбурий бўлади

750 кВАгача бўлган қувватга уланган алоҳида истеъмолчилар кўрсатилган муддатдан бошлаб электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни Вазирилар Маҳкамасининг қарорлари билан ўрнатиладиган ўсиб боровчи коэффициентлар ва тарифларга мувофиқ амалга оширадилар. Бундай истеъмолчилар қаторига пишган гишт, гипс, цемент ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, ресторанлар, кафелар ва бошқалар киради.

Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар электр энергияси учун ҳисоб-китобларини сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади:

➤ энг катта юкламали соатларда (тиғиз пайт – белгиланган тартибда ўрнатиладиган эрталабки ва кечки «энг катта миқдор») - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

➤ энг кам юкламали соатларда (тунги пайт – сутканинг қоронғи вақти) - белгиланган тарифга нисба-

тан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали;

➤ яримтиғиз пайтда (сутканинг ёруғ вақти) - ўрнатиладиган тариф бўйича амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно.

Давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самардор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Барча бино ва иншоотларда (якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари) иссиқ сув таъминоти учун қуёш сув иситтич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни ўрнатиш мажбурий бўлади.

1.01.2022 йилдан давлат органлари ва ташкилотлари марказлаштирилган иссиқ сувдан узилади

Бунинг эвазига уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотларда иссиқ сув таъминоти учун фақат сертификатланган қуёш сув иситтич қурилмаларидан фойдаланилади. Ички ёритиш учун мажбурий тартибда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампалар ўрнатилади.

Хусусий корхоналар иссиқлик ва электр энергиясини етказиб беради

Ҳужжат билан иссиқлик ва электр энергияси, шунингдек, биогаз ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш билан шугулланувчи корхоналар томонидан «Ўзбекэнерго» АЖнинг электр тармоқлари ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланмаган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳамда биогазни реализация қилиш тартибини ишлаб чиқиш топширилган. Бунда улар томонидан етказиб бериладиган энергия ресурсларига тижорат нархлари белгиланади.

Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган ва 7.11.2017 йилдан кучга кирди.

2-бетда

Ушбу
сонда:

5-БЕТ

Баъзида ота-онанинг ҳам алимент олишига тўғри келади

6-БЕТ

Хорижий туристларнинг Ўзбекистонга келиши соддалаштирилди

8-БЕТ

Қарз шартномасини бекор қилиш санаси қандай белгиланади

Бензин ишлатганлик учун солиқ икки баравар пасайтирилди

Президентнинг 14.11.2017 йилдаги рақобат муҳитини такомиллаштириш, ёнилғи-энергетик ресурслар ва бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида сууистеъмолликлар ва талон-торож қилиш шароитларига чек қўйиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш чора-тадбирларига доир ПҚ-3386-сон қарори қабул қилинди.

Юқори ликвидли маҳсулотларнинг асосий турларига нархларнинг давлат томонидан тартибга солинишидан босқичма-босқич воз кечиш ва бозорда нарх белгилашга ўтиш қарорнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳужжат билан қатор чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

1. 2018 йил 1 январдан бошлаб:

➤ давлат органларининг мазкур қарор қоидаларига мувофиқ келмайдиган (рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган маҳсулотларнинг ижтимоий аҳамиятли ва стратегик турларидан ташқари) маҳсулот, хом ашё, материалларга нархларнинг энг юқори дара-

жасини, ҳажмларини ва уларнинг тақсимоли жойлашувини тасдиқлаш ваколатлари бекор қилинади;

➤ монополист корхоналар томонидан нефть маҳсулотлари, цемент, қора металллар прокати, мис, пахта толаси ва бошқа юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдолари орқали реализация қилиш тартиби жорий қилинади;

➤ биржа савдоларида харид қилинган маҳсулотларни қайта сотишга тақиқ бекор қилинади, бундан марказлаштирилган манбалар ҳисобига харид қилинадиган товарлар мустасно.

2. 2018 йил ҳосилидан бошлаб:

➤ пахта хом ашёси ва ғалла учун харид нархи

фермер ҳўжаликларининг моддий манфаатдорлигини оширишга олиб келадиган рентабелликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда оширилади;

➤ техник чигитлар, ўсимлик мойи, шрот, шелуха ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бозор нархларини шакллантиришнинг янги механизми жорий этилади;

➤ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг давлат ҳаридини молиялаштириш тартиби қайта қўриб чиқилади.

3. Солиқ солиш соҳасида:

➤ 15.11.2017 йилдан бошлаб автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси ишлатганлик учун солиқ 50%га пасайтирилади;

➤ 1.01.2020 йилгача:

мулкчилик шаклидан ва фойдаланиш мақсадларидан қатъи назар, республика корхоналари томонидан импорт қилинадиган углеводород хом ашёси – божхона тўловларидан;

«Ўзнефтьмаҳсулот» АЖнинг нефтни қайта ишлаш корхоналари – фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 15.11.2017 йилдан қучга кирди.

Энергия қурилмалари ишлаб чиқарувчилар идентификацияланади

Вазирлар Маҳкамасининг 13.11.2017 йилдаги 908-сон қарори билан Ташкилотни қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлашга ихтисослашадиган ташкилот сифатида идентификациялаш механизми тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Маълумот учун: қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлашга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар улар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 5 йил муддатга барча солиқлардан ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлан-

тириш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

Қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлайдиган ва бундай қурилмаларни сотишдан оладиган соф тушуми улуши сотишдан тушадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида ҳисобот солиқ даври якунлари бўйича камида 50%ни ташкил қиладиган юридик шахс қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш

қурилмалари тайёрлашга ихтисослашган ташкилот деб топилади.

Ихтисослашши фактини тасдиқлаш учун имтиёзлардан фойдаланаётган ташкилотлар солиқ органига йиллик солиқ ҳисоботи топшириш пайтида тасдиқланган шакл бўйича маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этади. Унда рўйхат бўйича қурилмалар кўрсатилади.

Юқоридаги имтиёзлар солиқ органлари томонидан идентификациялаш асосида тақдим этилади. Агар ташкилот ҳисобот йили якунлари бўйича тақдим этилган маълумотнома-ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда, солиқ имтиёзлари бериш учун белгиланган мезонларга мос келмаса, солиқ имтиёзлари бекор қилинади, солиқ мажбуриятлари тикланади ва пеня ҳисобланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 14.11.2017 йилда қучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma Online» экспертлари.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Нотариал идоралар 2018 йилдан хусусий бўлади

ҚҲТБТ порталида муҳокама учун Президентнинг Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирларига доир фармони лойиҳаси жойлаштирилган.

Лойиҳанинг мақсади

1.01.2018 йилдан бошлаб давлат нотариал идораларини нодавлат бюджетдан ташқари нотариал идораларга айлантирилади. *Эслатиб ўтамиз*, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги барча нотариал идоралар давлат нотариал идоралари ҳисобланади.

Халқаро тажриба намуналарига асосланган ҳолда мазкур лойиҳани ишлаб чиқиш асослари Фармонга лойиҳанинг тушунтириш хатида келтирилган.

Қайта ташкиллаштириш жараёнида қуйидагилар режалаштирилган

1. 1.07.2018 йилдан бошлаб кўчмас мулк битимларини нотариал тасдиқлашда коммунал хизматлар учун қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги қоғоз кўринишидаги маълумотномаларни тақдим этмаган ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб идоралараро электрон алоқага тўлиқ ўтиш.

Эслатиб ўтамиз, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ автоматлаштирилган жараёнларга бутун мамлакатимиз бўйича (Тошкент шаҳрида – 1.07.2017 йилдан, бутун Ўзбекис-

тон бўйлаб – 1.07.2018 йилдан) босқичма-босқич ўтиш ВМнинг 27.02.2017 йилдаги 106-сон қарори билан белгиланган.

2. Мол-мулкни бегоналаштириш ва хатлаш тўғрисидаги маълумотлар базасини 1.01.2018 йилгача ИИБ ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасига ўтказиш.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1.01.2018 йилгача фуқароларнинг лаёқатсизлиги бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш.

4. Жамбурий нотариал расмийлаштирилиши керак бўлган ҳаракатлар рўйхатини қисқартириш.

5. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни оптималлаштириш;

6. Давлат божни ставкалари ҳисоб-китобини қайта кўриб чиқиш, қатъий белгиланган ставкалар (суммалар)ни белгилаш ёки давлат божни ставкалари ҳисоб-китобининг қўшилувчи формуласини бекор қилиш;

7. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари вакиллари (ёлғиз кексалар, ногиронлар ва бошқалар) учун улар иштирокida нотариал ҳаракатларни амалга оширишда қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

8. Нотариал хизматлар кўрсатишнинг бориши ус-

тидан реал вақт режимида видеокузатув;

9. Давлат божини тўлашда электрон тўловларни амалга ошириш (биллинг).

Нотариуслар фаолиятини расмийлаштириш

Амалдаги нотариуслар ўз фаолиятини давом эттириш учун нотариал фаолият билан шўғулланиш ҳуқуқи учун лицензияни расмийлаштириш мақсадида ариза беришлари керак бўлади. Нотариал идоралар адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Нотариал идораларга солиқ солиш

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ўрнатилган ставка бўйича ягона ижтимоий тўловни тўлаш кўзда тутилади (бугунги кунда – 15%). Нотариал идоралар ходимларининг даромадлари ўрнатилган минимал ставка бўйича ЖШДСга тортилади (ҳозирда – 7,5%).

Нотариал палата

Лойиҳа билан барча нотариусларнинг аъзоликка кириш бадаллари ва аъзолик бадаллари ҳисобига молиялаштириладиган Ўзбекистон Нотариал палатасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Палата фаолиятининг асосий йўналишлари:

➤ нотариуслар ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш ва ҳимоялаш;

➤ нотариусларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш;

➤ нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўловларнинг энг юқори қийматларини ўрнатиш;

➤ малака комиссиясига нотариуслар фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифларни киритиш ва бошқалар.

Ленара Хикматова, «Norma Online» эксперти.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Ўзбекистонга марҳамат!

1-2, 6-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Паст сифатли мобил алоқа учун жараима солишди

– Маошнинг барчасини кредитни қоплашга йўналтиришга рўхсат берилади

3-бет

• ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ортиқча тўловни қандай қайтариш мумкин
– Ҳақни белгилаш – акциядорлар умумий йиғилишининг хос ҳуқуқи

4-бет

• СИЗИНИНГ ҲЎҚУҚИГИЗ

– Меҳнатга лаёқатсиз ота-она қандай қилиб фарзандларидан алимент ундириши мумкин

5-бет

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Ота-онасиз чет элга чиқиш
– Текшириб кўрган маъқул

– Қатъий ҳисобдаги ҳужжат

– Фақат бир марта

– Сабаб бўлса

6-7-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Хизматлар импорти шартномани талаб этади

– Қарз шартномаси: бекор қилиш ҳусу-

сиятлари

8-бет

Паст сифатли мобиль алоқа учун жарима солишади

ҚҲТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилаш чора-тадбирларига доир қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилди.

Лойиҳа билан янгиланган:

➤ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қоидабузарликлар турларини;

➤ улар учун молиявий санкциялар (жарималар) миқдорларини жорий қилиш назарда тутилмоқда (ҳозирги вақтда ВМнинг 14.08.2000 йилдаги 318-сон қарори) билан тасдиқланган миқдорлар амал қилмоқда.

Қоидабузарликлар ва санкцияларнинг янги турлари

Мобиль алоқа хизматлари кўрсатиш ва маълумотлар узатиш тартибини бузганлик учун молиявий санкцияларни жорий этиш таклиф қилинаётир. Уларга:

➤ 2G, 3G, 4G тармоқлари учун маълумотлар узатишнинг ўртача тезлигига риоя қилмаслик;

➤ нутқни узатиш сифати, боғланишни ўрнатиш вақти бўйича нормативларга мувофиқ келмаслик;

➤ абонентнинг ташаббуссиз ўрнатилган боғланишни узатиш;

➤ қақрувларнинг умумий сониди муваффақиятсиз боғланишлар нормативининг ортиқлиги;

➤ маълумотлар узатиш тармоғига киришни тиклашнинг норматив вақтини оширганлик ва бошқалар киради.

Шунингдек, операторлар ва провайдерлар томонидан ахборот-маълумот хизматлари кўрсатиш қоидалари бузилганлиги учун жарималар жорий қилинмоқда:

➤ телефон бўйича техник қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги;

Маошнинг барчасини кредитни қоплашга йўналтиришга рухсат берилади

ҚҲТБТ порталида Меҳнат кодексига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳасининг давоми жойлаштирилди.

Кредитни қоплашга – барча иш ҳақи

Киритиლაётган ўзгартиришларга биноан қарздорнинг тўлиқ иш ҳақини кредитни қоплаш учун йўналтиришга рухсат берилади. Иш берувчи ходимнинг аризасига биноан унинг иш ҳақини ёки унинг бир қисmini ходим олган кредитни қоплаш ҳисобига банк ёхуд кредит ташкилотига ўтказиши мумкин. Бу иш ҳақидан чегириб қолиш ҳисобланмайди.

Бекор туриб қолишда минимал тўлов кафолатланади

Ҳозир ходимнинг айбисиз бекор туриб қолишда унинг ўртача иш ҳақи миқдорига ҳақ тўланади. Лойиҳа би-

➤ оператор жавоб бериш вақтининг бузилиши.

Жарималар ЭКИХга нисбатан қаррали миқдорда ўрнатилади. Телеграф, шаҳарлараро ва халқаро алоқалар билан боғлиқ қоидабузарликлар учун жарималарни чиқариб ташлаш таклиф қилинди.

Ким жарима солади?

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси қоидабузарликларни аниқлайди ва тегишли ҳужалик юритувчи субъектларга жарима ҳисоблайди. Бунинг учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг рухсатномаси талаб этилмайди.

Молиявий санкциялар кўринишида ундирилаётган маблағлар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига (ВМнинг 19.12.2012 йилдаги 356-сон қарори билан ташкил этилган) берилади.

Молиявий санкцияларни (жарималарни) ҳисоблаш ва қўллаш бўйича низомлар алоҳида тарзда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

лан ўртача иш ҳақининг 50%идан кам бўлмаган минимал тўловни кафолатлаш таклиф қилинмоқда. Бунда қонунда юқори чегара белгиланмайди, у жамоа шартномасида ёки касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бироқ, агар бекор туриб қолишда ходимнинг айби ўрнатилса, шу давр учун унга тўланган иш ҳақи ундириб олинади.

Самарасиз бошқарувчиларга мукофот берилмайди

Устав капиталида давлат улуши бўлган ҳужалик юритувчи субъект фаолиятининг самарадорлиги қониқарсиз ёки паст деб топилган ёхуд

баҳоланмаган тақдирда бошқарув ва кузатув кенгашлари аъзолари (штатдагилардан ташқари) учун рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар (мукофотлар, устамалар, қўшимча ҳақ) тўланмайди.

Ўриндошлар учун – соатбай тўлов

Қуйидаги ходимларнинг меҳнати-га соатбай ҳақ тўлашни жорий этиш таклиф қилинмоқда:

➤ соатбай тариф ставкаси бўйича;

➤ тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида;

➤ ўриндошлик бўйича ишлайдиганларга. (Ҳозир ўриндошлар меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида – ҳақиқатда бажарилган иш учун ёки меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида – ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади);

➤ узрли сабабларга кўра (касалик, таътил, давлат, жамоат ва ҳарбий мажбуриятларни бажариш ва ҳоказо) белгиланган иш вақти меъёрини ишламаганларга нисбатан

Вахта ишлари, меъёрлаш ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоби баён қилинади

Вахта иш усули ходимнинг доимий яшаш жойи ёки иш берувчининг жойлашган жойи анча олис бўлганда ҳамда ходим ҳар кун иш яшаш жойига келишининг имконияти йўқ бўлганда қўлланилади.

Вахтациларга ҳар бир календарь кун учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдорига нисбатан 10% ҳажмида устама тўланади.

Маълумот учун: ҳозирги вақтда вахта усули олис ва алоҳида муҳим объектларда қурилиш-монтаж ишларида қўлланилади.

Меҳнат меъёри ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва технологиялар, жумладан ахборот-компьютер технологияларининг ривожланиши даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўртача иш ҳақини белгилаш тартиби пенсиялар ва давлат ижтимоий суғурта нафақаларини ҳисоблаб чиқаришдан ташқари барча ҳолатлар учун ягона бўлади. Ўртача иш ҳақи олдинги 12 календарь ойда суғурта бадали ҳисобланадиган барча тўловларни ўз ичига оладиган, ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақидан ва ҳақиқатда ишланган вақтдан келиб чиқиб қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

➤ ўртача ойлик иш ҳақи – олдинги 12 ой учун ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақини 12 га бўлиш йўли билан;

➤ ўртача кунлик иш ҳақи – олдинги 12 календарь ой учун ҳисоб-

лаб ёзилган иш ҳақи суммасини 6 кунлик иш ҳафтасида календарь бўйича иш кунлари сонига бўлиш йўли билан.

12 ойдан кам ишлаган ходимлар учун ўртача ойлик ва ўртача кунлик иш ҳақи ҳақиқатда ишланган вақт учун аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган тартиб амал қилмоқда.

Интизомий жазо амал қилаётган вақтда рағбатлантиришга рухсат берилади

Ҳозирча қонун қатъий: интизомий жазонинг амал қилиш муддати мобайнида рағбатлантириш чоралари қўлланмайди. Боз устига, иш ҳақи, мукофот, қўшимча ҳақ, устама ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими билан назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмаслиги кўрсатилган. Лойиҳага кўра кўрсатилган чекловларни бекор қилиш таклиф қилинмоқда.

Алоҳида ходимларнинг меҳнат хусусиятлари белгиланади

➤ Уларга, хусусан, қуйидагилар киради:

➤ коллегиял ижро этувчи органлар (бошқарувлар) раҳбарлари ва аъзолари;

➤ давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари. Аввал коррупция йўналишидаги жиноятни содир этган шахс бошқарув ходими лавозимини эгаллаши мумкин эмас;

➤ ишни муайян давр (мавсум) мобайнида – 2 дан 9 ойгача бажарадиган мавсумий ходимлар. Уларга дастлабки синов ўрнатилмайди;

➤ иш муддати 2 ойдан ошмайдиган муваққат ишчилар;

➤ касаначилар ва масофали иш шаклида ишлайдиган ходимлар;

➤ жисмоний шахс – иш берувчи томонидан ёлланадиган ходимлар. Улар ўртасидаги меҳнат шартномаси иш берувчининг

яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказилади. Суғурта бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар тўланиши лозим. Меҳнат дафтарчаси юритилмайди, иш стажы эса Пенсия жамғармаси томонидан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланиши тўғрисидаги маълумотлар бўйича белгиланади;

➤ профессионал спорт соҳасида фаолиятни амалга оширадиган спортчилар ва тренерлар.

Лойиҳаларга ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки улар рад этилиши мумкин.

Ортиқча тўловни қандай қайтариш мумкин

Корхонамизда вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия учун йиғим бўйича 8 млн сўмдан зиёд ортиқча тўлов юзага келди.

Мазкур лицензиядан воз кечганимиз сабабли, бу ҳақда тегишли органларни ўз вақтида хабардор қилганимиз, июнь ойида ушбу пул маблағларимизни ҳисоб-китоб счётимизга қайтаришни сўраб ДСИга мурожаат қилдик. ДСИ аризамизни қабул қилди, солиштириш далолатномаси тузилди, бизни ҳокимликка жўнатдилар. У ерда бизни молия бўлимига, у ердагилар – лицензиялаш бўлимига ва у эса – қайтиб ДСИга йўллади. Шундан сўнг яна 2 марта ДСИга tu.soliq.uz сайти орқали мурожаат қилдик. Бунга жавобан ДСИ барча ҳужжатлар ҳокимликка топширилганлигини хабар қилди. Ўз навбатида ҳокимлик бу уларнинг иши эмаслигини, ҳаммасини ДСИга қайтарганликларини айтмоқда. 4 ойдан буён улар ўртасида оворая сарсон бўлиб юрибмиз.

Ушбу масала юзасидан қаерга мурожаат қилайлик? Пул маблағларини қайтариш билан ким шугулланиши керак?

С.Шапанова, бош бухгалтер.

– Ортиқча тўланган пул маблағларини қайтариш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишингиз лозим.

Бу қандай йиғим

Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчи корхоналар товарларнинг айрим турлари (алкоголли маҳсулотлар) билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни ҳар ойлик савдо учун

ЭКИХнинг 5 баравари миқдорида тўлашлари шарт (Солиқ кодексининг 345–347-моддалари; 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорга 22-илова). Ушбу йиғим мажбурий тўлов ҳисобланади ва маҳаллий солиқлар сирасига киради.

Йиғим ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тўланиши шарт. Ушбу қоидага риоя этилганда йиғим бўйича ортиқча тўлов юзага келмаган бўлар эди. Бироқ ортиқча тўлов ҳосил бўлган ва у қайтарилиши керак.

Йиғим қаерга тўланган

Йиғимлар Ягона газна ҳисобварағига келиб тушади (АВ томонидан 28.07.2017 йилда 2907-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди). Сўнггра маблағлар Молия вазирлиги Ахборот тизимида Низомда белгиланган тартибда тақсимланади.

Ортиқча тўловни ким, қачон ва қандай қайтаради

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг ортиқча тўланган суммалари солиқ тўловчининг ёзма аризаси, шу жумладан унинг шахсий кабинети орқали юборилган аризаси асосида, солиқ органларига тегишли ариза берилган санадан эътиборан 30 иш куни ичида қайтарилади (Солиқ кодексининг 58-моддаси).

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ихроси тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 30.03.2016 йилда 2771-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ягона газна ҳисобварағига келиб тушадиган, ортиқча тўланган тўловларни қайтаришнинг қадамма-қадам таомили назарда тутилган.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг ортиқча тўланган

суммалари тўловчининг аризаси ҳамда ваколатли солиқ органларининг ҳулосасига асосан мазкур солиқ органлари томонидан тегишли туман (шаҳар) газначилик бўлинимасига ҳулоса ва тўлов ҳужжати тақдим қилиш йўли билан қайтарилади (Йўриқноманинг 34-банди).

Тегишинча, ортиқча тўланган тўловлар суммаларини қайтариш учун Йўриқномага 8-иловада назарда тутилган шаклдаги ариза билан туман ДСИга мурожаат қилишингиз керак эди. Сўнггра солиқ органлари ҳулосани молия органларига йўллашлари шарт бўлган. Молия органлари ўз навбатида ДСИ ҳулосасини олгандан кейин 30 кундан кечиктирмай, хато равишда тўланган суммани қайтаришлари лозим.

Туман ДСининг ҳаракатсизлиги устидан юқори турувчи органга шикоятни солиқ тўловчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан 30 кун ичида бериши мумкин. Шикоят у олинган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади (Солиқ кодексининг 124, 125-моддалари).

Юқори турувчи органга мурожаат қилиш муддати ўтганлиги сабабли судга мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Суд – охириги инстанция

Пул маблағларини олиш чоғида йўлингиздаги ғовларни инобатга олган ҳолда ортиқча тўланган пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги ариза билан тегишли иқтисодий судга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Шунингдек ўз ҳуқуқларингиз ҳимоя қилинишини сўраб ва тегишли давлат органларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан прокуратура ёки судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Ҳақни белгилаш – акциядорлар умумий йиғилишининг хос ҳуқуқи

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши аъзолари ўз фаолиятлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Бизнинг АЖда шу муносабат билан кўйидаги амалиёт йўлга қўйилган. АЖ акциядорлари умумий йиғилиши кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақнинг чекланган (энг юқори) ставкаларини тасдиқлаган. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари эса жамиятнинг молиявий имкониятлари ва фойдасини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили ва ҳар чоракда кузатув кенгаши мажлисларида белгиланади. Бундай амалиёт юритиш тўғрими?

АЖнинг қимматбаҳо қоғозлар бўйича мутахассиси.

– Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласи кузатув кенгашининг баённома қарори билан ҳал этила олмайди. Бу акциядорлар умумий йиғилишининг хос ҳуқуқи ҳисобланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади («Акциядорлик жамият-

лари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 74-моддаси 3-қисми).

Ҳақ тўлаш, шу жумладан уларнинг аниқ миқдорларини белгилаш масалаларини кўриб чиқиш кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас (Қонуннинг 59-моддаси).

Қонуннинг мазкур нормалари 3 та муҳим жиҳатни аниқ белгилайди:

- 1) ҳақ акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра тўланиши шарт;
- 2) ҳақ миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади;
- 3) акциядорлар умумий йиғилишининг кўрсатилган ваколатлари кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас.



Амалиётингизда қўлланаётган тартиб (акциядорлар умумий йиғилиши белгиланган энг юқори миқдор доирасида бўлса ҳам, ўзига тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорини мустақил равишда белгилаш имкониятини кузатув кенгашига бериш) ҳуқуқий асосга эга эмас.

Сизнинг вазиятга нисбатан битимнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ФК нормаси қўлланиши мумкин: қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир (ФКнинг 116-моддаси). Битим ҳақиқий бўлмаганда тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганда

эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт (ФКнинг 114-моддаси). Исталган манфаатдор шахс ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин. Яъни манфаатдор шахс судга мурожаат қилиш ҳам шарт эмас, сабаби ҳақиқий бўлмаган битимлар юзасидан низолашилмайди. Бу манфаатдор шахс, шу жумладан ҳар қандай акциядор, ҳатто миноритарийлар ҳам кузатув кенгаши қарорига кўра кузатув кенгаши аъзоларига тўланган ҳақ суммаларини қайтариш тўғрисида талаб қўйишга ҳақли эканлигини аниқлатади.

Шу тариқа, акциядорлар умумий йиғилиши кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорларини тасдиқлаши зарур.

Алимент деганда кўпинча ота-онанинг вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши тушунилади. Бироқ пенсия ёшига яқинлашган ота-оналарнинг меҳнат қобилияти пасаяди, соғлиги заифлашади. Ана шунда улғайган фарзандлар кекса ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари даркор. Ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ихтиёрий ёрдам ва кўмакни назарда тутати, албатта. Бироқ улғайган фарзандларнинг ҳаммаси ҳам ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаради деб бўлмайди. Бундай ҳолларда ота-оналар ўз таъминотлари учун тўловларни суд орқали ундириб олишлари мумкин. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлардан эҳтиёжманд ва меҳнат қобилиятини йўқотган ота-оналари учун алимент ундиришнинг суд тартиби қандай?



Меҳнатга лаёқатсиз ота-она қандай қилиб фарзандларидан алимент ундириши мумкин

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли шахсларнинг ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиш мажбурияти Конституциянинг 66-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Оила кодексига ҳам худди шу қоида қайд этилган (ОКнинг 109-моддаси). Бу фуқароларнинг асосий мажбуриятларидан бири. У ахлоқий принциплардан келиб чиқади ва ёрдамга муҳтож ота-оналарга ҳар томонлама кўмак беришга йўналтирилган.

Ота-оналар фақат вояга етган (18 ёшдан катта) болаларидан алимент ундиришлари мумкин. Бундан ташқари, болалар меҳнатга лаёқатли бўлишлари керак. Яъни уларда ногиронлик бўлмаслиги, улар пенсия ёшига етмаган бўлишлари шарт.

Бунда фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз фарзандларига тенглаштирилади. Шу сабабли меҳнатга лаёқатли ёшга етган болалардан ота-оналари ҳам, фарзандликка олувчилари ҳам алимент талаб қила оладилар.

Қонунга биноан меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлаш мажбурияти сўзсиз ижро этилади ва болаларининг моддий аҳволига боғлиқ эмас. Аслида алимент миқдорини белгилашда бу ҳолат инобатга олинади. Яъни ота-оналар ҳар қандай ҳолатда таъминот беришни талаб қилишга ҳақли.

Хуллас, ота ёки она бир вақтнинг ўзида меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларидан алимент олишга ҳақли. Шу сабабли суднинг ҳал қилув қарорига ушбу иккала фактн тасдиқловчи исбот-далиллар келтирилиши шарт. Улардан бири бўлмаса, даъвони қондиришни рад этишлари мумкин.

Қуйидагилар **меҳнатга лаёқатсиз** деб ҳисобланади:

- 55 ёшга тўлган аёллар;
- 60 ёшга тўлган эркаклар;
- ногиронлар.

Яшаш учун етарли маблағга эга бўлмаган шахслар **ёрдамга муҳтож** деб тан олинади. Суд ҳар бир алоҳида вазиятда ёрдамга муҳтожлик далилини ишнинг аниқ ҳолатларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Ота ёки онанинг алимент олишга муҳтожлиги қуйидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:

- моддий аҳволи;
- мавжуд даромадлари даражаси (масалан, пенсия миқдори, мол-мулкни рентгага топширишдан даромади, дивидендлар олиши ва ҳ.к.);
- меҳнатга лаёқатли турмуш ўртоғининг бор-йўқлиги;
- турмуш ўртоғи моддий ёрдам бериш-бермаслиги;
- бошқа шахслар моддий ёрдам бериш-бермаслиги.

Одатда, овқатланиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, дори-дармонларга даромадлари етмайдиган шахслар ёрдамга муҳтож деб тан олинади.

Тўловлар миқдори

Низо мавжуд бўлганда таъминот миқдори фарзандларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Бунда ундирилаётган энг кам сумма ЭКИХнинг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Энг юқори миқдори белгиланмаган.

Мазкур тоифадаги низо узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Ота-она талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Тўлашдан озод қилиш

Агар жавобгар илгари отаси ёки онаси уни таъминлаш ва тарбиялаш мажбуриятини бажармаганлигини исботласа, суд болани бундай ота ёки онага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши мумкин (ОКнинг 113-моддаси).

Қуйидагилар ушбу далилнинг исботи бўлиши мумкин:

- ота ёки она алимент бўйича суднинг ҳал қилув қарорини ижро этмаган бўлса, мажбурий ижро органларининг маълумотномаси;
- маҳалла кўмитаси томонидан тасдиқланган қўшниларнинг далолатномаси ва б.

Бу – муҳим! Ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги болаларни уларни таъминлаш мажбуриятидан тўлиқ озод қилиш учун асос ҳисобланади. Бу суднинг қонуний кучига кирган ҳал қилув қарори билан тасдиқланади (ОКнинг 81-моддаси).

Шунингдек қуйидаги ҳолларда суд тартибида ундирилаётган алиментни тўлаш тугатилади:

- даъвогарнинг меҳнатга лаёқати тикланганда;
- алимент олувчи ёрдамга муҳтож бўлмай қолганда;
- тарафлардан бири вафот этганлиги муносабати билан.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув

Фарзандлар билан ота-оналар ўртасида таъминот суммаси ва тўлаш тартиби тўғрисида келишув тузиш – масалани ҳал этишнинг энг қулай ва мослашувчан усули. У ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Кўрсатилган шаклга риоя қилмаслик келишувнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига

эга бўлади. Яъни тарафлардан бири ундан бош тортса, келишувни мажбурий ижро этиш учун тақдим этиш мумкин.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. У қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволида жиддий ўзгаришлар юз берганда, бироқ келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келиша олмаганда, манфаатдор тараф тегишли даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ҳал қилишда тарафларнинг эътиборга лойиқ ҳар қандай манфаатини ҳисобга олишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш

Алимент олиш учун фуқаролик ишлари бўйича судга даъво билан мурожаат қилиш зарур. Судда кўрилишга тегишлиликка доир умумий қоидалардан келиб чиқилса, таъминот учун маблағлар ундириш ҳақидаги даъво жавобгарнинг яшаш жойи бўйича берилади. Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулк бўлган жой ёки унинг охириги яшаш жойи бўйича тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистонда яшаш жойига эга бўлмаган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулк бўлган жой ёки охириги маълум бўлган мамлакатда яшаш жойи бўйича берилиши мумкин.

Даъво тақдим этаётганда қўйилган талабларнинг ҳисоб-китобини чиқариш зарур.

Солиқ кодексининг 329-моддасига мувофиқ, даъвогарлар алимент ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Тўламаганлик учун жавобгарлик

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб 3 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги ЖКнинг 123-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортилишлари олиб келади. Бунинг учун ЭКИХнинг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилган.

Ленара Хикматова,
«Norma Online» эксперти.

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИК

Ўзбекистонга марҳамат!

Вазирлар Маҳкамасининг 7.11.2017 йилдаги 894-сон қарори билан хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга кириши ва бўлиши тартибини соддалаштириш бўйича қатор ҳукумат қарорларига тузатишлар киритилди.

Муддатидан олдин келдингизми – ҳечқиси йўқ

Эндиликда хорижлик меҳмон туристик вижада кўрсатилган муддатдан олдин Ўзбекистонга кириб келган тақдирда у Давлат чегарасидан ўтиш пунктидаги ТИВнинг консуллик бюросига мурожаат этиши мумкин, у ерда унинг визасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби (ВМнинг 21.11.2017 йилдаги 408-сон қарорига 1-илова) мазкур норма билан тўлдирилди.

Прописка учун кимга мурожаат этиш керак эмас

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига бўлишлари қоидаларига (ВМнинг 21.11.2017 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова) киритилган қўшимчаларга биноан чет эллик фуқароларнинг ҳақиқатда ҳисобга қўйилганлигини текшириш учун ИИБ автоматлаштирилган махсус электрон дастурдан фойдаланади.

Сайёҳлик операторлари томонидан кўрсатилган дастур ёрдамида сайёҳларнинг паспорт маълумотлари, ҳаракатланиш йўналишлари схемаси, саёҳат пайтида тўхташ (тунаш) жойлари кўрсатилган электрон шаклдаги рўйхати тақдим этилиши қуйидаги ҳолатларда вақтинчалик пропискага тенглаштирилади:

➤ сайёҳлик оператори томонидан ташкил этиладиган тур доирасида экскурсовод, гид ва/ёки йўриқчи-йўл бошловчи ҳамроҳлигида аҳоли пунктлари ташқарисига саёҳат амалга оширилганда, агар бундай тур муддати ёки унинг бир қисми 10 кундан ошмаса;

➤ хорижий фуқаролар томонидан сайёҳлик операторининг автотурини харид қилган ҳолда шахсий автомобилда, мотоциклда, велосипедда, пйёда ёки гуруҳ таркибиде автобусда саёҳат амалга оширилганда.

Маълумот учун: умумий қоидага кўра вақтинчалик Ўзбекистонда бўлиб турган хорижликлар бу ерда вақтинчалик прописка асосида истиқомат қилади. Алоҳида шахслар, масалан, мамлакатимизнинг ҳар бир аҳоли пунктида 3 суткадан ортиқ бўлмайдиган сайёҳлар ундан озод этилган. Шунингдек, хорижликларнинг жойлаштириш воиситаларида ва даволаш муассасаларида бўлиши вақтинчалик пропискага тенглаштирилади.

Сайёҳларга гилдиракли уйларида яшашга рухсат берилди

Тунаш учун жойлаштириш воситасига қайта ўзгартирилган ер усти транспорти расман жойлаштириш воситалари қаторига киритилди (масалан, автофургон, трейлер, автоуш ва бошқалар – тахр.). Унда яшайдиган Ўзбекистонга вақтинчалик келувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий тартибда қабул қилувчи ташкилотлар ва хусусий иш бўйича уларни таклиф этган шахсларни олдиндан хабардор қилишлари даркор.

Бундай жойлаштириш шакли учун ҳам туристик йигим ундирилади – ҳар кунги яшаш учун ЭКИХнинг 10%и миқдорида.

Тегишли тузатишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йигими ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 15.03.2017 йилдаги 137-сон қарорига 2-илова) киритилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинди ва 7.11.2017 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Ота-онасиз чет элга чиқиш

Турмуш ўртоғим билан ажрашганман, вояга етмаган қизимни тарбиялаялман, у билан Ўзбекистонда яшайман. Унинг отаси – АҚШ фуқароси ватанида яшайди. Қизим отаси билан фақат мактаб таътилларида кўришади. У авиаташувчининг вакиллари ҳамроҳлигида Парижга – отаси билан учрашадиган жойгача етиб олиши учун унга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясидан чипта сотиб олсам бўладими? Гап шундаки, оилавий ва молиявий аҳолим сабабли қизимга сафари чоғида ҳамроҳлик қила олмайман. Отаси фақат боланинг харажатларини тўлай олади. 2011–2015 йилларда вақти-вақти билан фарзандларини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ходимлари ҳамроҳлигида жўнатиши зарур бўлган фуқаролар учун махсус мўлжалланган авиаташувчи тарифидан мунтазам фойдаланганмиз. Бироқ номаълум сабабга кўра 2016 йилдан буён ушбу тариф бўйича чипта сотиб ололмаялман. Бунинг сабабини тушунтириб берсангиз.

О.Торопова.



– Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган (15 ёшгача бўлган) фуқароларини Давлат чегараси орқали Ўзбекистон виза режимида эга бўлган мамлакатларга ўтказиш болага ҳамроҳлик қилувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган рухсатнома ёзуви стикери мавжуд бўлганда биометрик паспортлар бўйича амалга оширилади.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон) мувофиқ, Ўзбекистонда 2015 йил охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёни яқунланди. 2014 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фақат биометрик паспортлар бўйича чет элга чиқишлари мумкин. 2014 йил 1 июлдан бошлаб чет элга чиқувчи фуқароларнинг авиа- ва темир йўл чипталарини расмийлаштириш ва сотиш улар асосида амалга оширилади (ВМнинг 6.02.2014 йилдаги 24-сон қарори 1, 3-бандлари).

Вояга етмаганларга нисбатан ВМнинг 30.12.2000 йилдаги 519-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги низом 2015 йил 31 декабргача амал қилган (ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарори 2-банди).

16 ёшга тўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини бериш ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига чет элга чиқиши учун рухсатномани расмийлаштириш тартиби махсус Низом (ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган.

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хори-

жий давлатларга чиқишига татбиқ этилади, уларга кириш учун кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган МДХ мамлакатлари бундан мустасно.

Хорижга вақтинча чиқишда фуқароларга паспорт ва 2 йил муддатга амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштирилади. Кўрсатилган муддат давомида фуқаролар бир неча марта хорижга чиқишлари мумкин. Стикernинг амал қилиш муддатида паспортнинг амал қилиш муддатида ортиқ бўлмаслиги керак.

Вояга етмаган қизингиз – 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон фуқароси хорижга чиқиши учун ИИВнинг Миграция ҳамда фуқаролиқни расмийлаштириш бош қармасининг доимий пропискадан ўтказилган жойидаги ҳудудий бўлинмасига (маълумотларни йиғиш пунктига) хорижга вақтинча чиқиши учун биометрик паспорт ва стикер олиш учун мурожаат қилишингиз керак. Паспорт уни олиш тўғрисида илтимоснома тақдим этган ота-онага берилади.

Ўзбекистон ташқарисига чиқаётган 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга биометрик паспорт 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади, у мазкур муддат тамом бўлгандан кейин маълумотларни йиғиш пунктига топширилади. Истисно ҳолларда фуқаронинг паспорти, агар республикадан ташқарига чиқиш пайтида унинг ёши 15 ёшдан катта бўлса ва 16 ёшга тўлишига бир йилдан кам вақт қолган бўлса, 10 йил муддатга берилиши мумкин.

Хорижга вақтинча чиқишга стикernи расмийлаштириш учун маълумотларни йиғиш пунктига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- а) белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- б) ушбу муассаса ёки ташкилот орқали қилинган тақдирда – муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги буюртманомаси;

в) вояга етмаган фуқаронинг паспорти;

г) тўлганлик ҳақида гувоҳнома;

д) 35 x 45 мм ўлчамли 4 та фотосурат;

е) Ўзбекистон ҳудудида бирга яшайдиган ота-оналарнинг вояга етмаган фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги;

ж) фуқарога ҳамроҳлик қилаётган шахсининг нотариал тасдиқланган мажбурияти;

з) давлат божни ёки консуллик йигимлари ва бошқа йигимлар тўланганлиги тўғрисида қвitanция.

Вояга етмаган фуқаронинг хорижга вақтинча чиқишига рухсатномани расмийлаштириш тўғрисидаги мурожаатни қондирилганда унинг паспортига 2 йил муддатга амал қиладиган стикер ёпиштирилади.

Вояга етмаган фуқаро ота-оналардан бири билан хорижга вақтинча чиқаётганда ота-оналардан иккинчисининг розилиги талаб қилинмайди.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар ота-оналарининг вояга етмаган шахсининг мустақил равишда чет элга чиқиши учун нотариал тасдиқланган розилиги мавжуд бўлган тақдирда хорижга ҳамроҳларсиз чиқишлари мумкин.

Бундан ташқари, ота-оналарнинг ҳамроҳлигида бўлмаган болаларни ташинишга доир авиакомпания томонидан белгиланган муайян қоидалар мавжуд, уларни парвозгача аниқлаб олиш зарур.

Зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмаган бўлса, фарзандингиз мустақил равишда, шунингдек авиакомпания ходимлари ҳамроҳлигида Тошкент–Париж йўналиши бўйича НУ рейсида учиб кета олмайди.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.

Реклама

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Татлимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Текшириб кўрган маъкул

Нима сабабдан ЎзРнинг Москва шаҳридаги консуллик бўлимида манзилли чиқиш варақаси билан қизиқадилар? Масалан, уни шахсан эмас, паспортимни қариндошларимга жўнатиб олганман. Ахир варақа ҳақиқийку.

П.Ўрмонов.

— Чиқиш ҳужжатлари яшаш жойи бўйича ички ишлар органларида топширилади. Белгиланган тартибни бузган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган маъмурий жазога тортиладилар.



Чиқиш учун фуқаролар куйидагиларни шахсан тақдим этишлари шарт:

➤ чиқиш сабаби ва жойини кўрсатган ҳолда ички ишлар органи раҳбари номига эркин шаклда ёзилган ариза;

➤ паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома; ➤ мудоффаа ишлари бўйича бўлимининг ҳисобидан чиқарилганлиги ҳақида белги қўйилган ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

➤ уй дафтари ёки 4–5-сон прописка карточкаси, квартира карточкаси.

➤ давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

Фуқароларнинг чиқиши турар жойга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш, шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори, кўра, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўровига биноан, маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги прокурор санкцияси билан ҳам амалга оширилади (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 48-банди).

Шу тариқа, консуллик муассасаси ходимлари яшаш жойи бўйича манзилли чиқиш варақасини қандай қилиб (шахсан келмай) олганингиз билан ҳақли равишда қизиқмоқдалар. Агар чиқиш юқорида кўрсатилган тартибни бузган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ноқонуний ҳисобланади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтишимиз зарурки, манзилли чиқиш варақаси қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланмайди ва унга қалбаки чиқиш штампларини қўйиш мумкин.

Қатъий ҳисобдаги ҳужжат

Мен паспортимни йўқотиб қўйиб, бу ҳақда ариза топширдим ва янгисини олдим. Йўқолган паспорт топилди. Паспортлардан бирини топширишим керакми? Агар керак бўлса, қайси бирини – эскисини ёки янгисини? Бунда менга нисбатан жарима санкциялари қўлланадими?

А.Р. Тошкент ш.

— Йўқолган паспортни топганда яшаш жойинингиздаги паспорт столига ариза билан мурожаат қилишингиз ва эски паспортни қайтаришингиз зарур. Ҳужжатингиздан ғаразли ниятда фойдаланишининг олдини олиш мақсадида шуни билишингиз лозимки, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалари, шунингдек автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.




Ўша ҳаракатлар:

а) паспорт, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 227-моддаси).

Йўқолган паспорт ўрнига янгисини олаётганингизда паспортни йўқотганлик учун жаримани тўлаб бўлгансиз.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.



Фақат бир марта

Паспортимнинг мuddати ўтган, уни алмаштириш учун топширмоқчиман. Паспортимда отам бўйича миллатим кўрсатилган. Алмаштириш чоғида уни онамнинг миллатига ўзгартиришим мумкинми?

Г.Усеинов. Тошкент ш.

— Паспортдаги миллати тўғрисидаги ёзув ота-онасининг миллатига мувофиқ қайд этилади. Ота-она турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилганда паспорт олувчининг хоҳишига кўра отаси ёки онасининг миллати бўйича қайд этилади. Кейинчалик фуқаронинг ёзма аризасига биноан миллати ҳақидаги ёзув ота ёки онанинг миллатига ўзгартирилиши мумкин, бироқ 1 мартадан ортиқ эмас (Низомнинг 14-банди, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова).

16 ёшда паспорт олган ва отангизнинг миллатини (ота-она турли миллатга мансуб бўлган ҳолда) танлаган бўлсангиз, биометрик паспорт олаётганда онангизнинг миллатини олиш ҳуқуқига эгасиз.

Сабаб бўлса

Милиция ходимлари шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, хусусан, яшаш гувоҳномасини олиб қўйишга ҳаққимилар?

П.Халилов.

— Хорижий фуқародан ёки фуқаролиги бўлмаган шахсдан яшаш гувоҳномасини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиб қўйиш ман этилади, ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёхуд суриштирув, дастлабки тергов ёки суд органи томонидан қамоққа олинган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда ҳужжат унинг эгасининг истиқомат жойидаги ички ишлар органларига юборилиши керак. Уни бошқа шахсга бериш ёки гаровга олиб туриш тақиқланади.

Ҳибсдан озод қилинганда ёки жазони ўтаб бўлгандан кейин яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси унинг эгасига қайтарилади (Низомнинг 32, 36-бандлари).

Ходимларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари устидан яшаш жойингиздаги ТИИБ бошлиғига шикоят қилишингиз мумкин.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Норма» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотураж жойидаги офис учун ижарага топширилади, мебел билан. Т. (+99890) 956-44-35.

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИ.И.И.ДА тақдим этаётимиз

Тошкент ш., Миробол кўчаси, Ташкилмаркази кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Эълонлар ва реклама

Компаниямиз халқаро аудиторлик компанияси ҳисобланади. Ички низомга ва жамоа шартномасига кўра ходимларимиз АССА дастури бўйича таълим олишлари шарт. Таълим харажатлари ўқиш, имтиҳон учун тўлов, йиллик аъзолик бадаллари ва АССА бўйича китоблар сотиб олишни ўз ичига олади. Ўқиш учун тўлов ходимларимизнинг АССА сайтидаги шахсий кабинетлари орқали қўйилган инвойслар асосида, валюта корпоратив картасидан амалга оширилади (ҳар бир ходимнинг шахсий кабинет очиши ва у орқали ҳақ тўлаши талаби АССА дастурининг ҳар бир талабаси учун мажбурий ҳисобланади).

Ходимларнинг ўқиш ҳақини уларга қўйилган инвойслар асосида валюта корпоратив картасидан тўлаш битими қонунийми?

А.Толмачёва, бош бухгалтер.

Хизматлар импорти шартномани талаб этади

– Башарти хизматлар кўрсатиш учун контракт тузилган бўлса, корпоратив пластик картадан хорижий валютада ҳақ тўлашга йўл қўйилади.

Таълим бўйича кўрсатилаётган хизматлар хорижий валютада тўланаётган экан, улар ЎзР норезиденти томонидан кўрсатилаётган бўлса керак.

Хорижий давлатнинг юридик ва жисмоний шахси томонидан ЎзРнинг ҳужалик юритувчи субъектига хизматлар кўрсатиш, улар кўрсатилиши жойидан қатъи назар, **хизматлар импорти** ҳисобланади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова).

Хизматлар импорти тегишли шартномани талаб этади. Инвойс унинг ўрнини боса олмайди. У кўрсатилаётган хизматлар ҳақини тўлаш зарурлигини тасдиқловчи ҳужжат саналади.

Импорт шартномаси Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (ТСОЯЭАТ) рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим (416-сон Низомнинг 6-банди).

Банк пластик картаси (БПК) – **ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни)** амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи тўлов воситаси (АВ томонидан 3.06.2013 йилда 2465-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 106-банди). БПКлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қўғозда (слип, электрон терминнал квитанцияси) ёки электрон шаклда (банкомат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки башка маълумотномалар билан тасдиқланади (2465-сон Низомнинг 112-банди).

Юқорида баён этилганлар муносабати билан хизматлар кўрсатишга импорт контрактини тузиб, уни ТСОЯЭАТда рўйхатдан ўтказишнинг зарур. Контрактда ҳисоб-китоблар БПКдан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини кўрсатиш лозим. Контракт норезидент томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг юридик асоси бўлади.

Ушбу масалани бошқача ҳал этиш ҳам мумкин. Ходимларнинг хизматлар қийматини шахсий халқаро пластик карталаридан ўзлари тўлашлари мумкин (30.01.2013 йилдаги ПҚ-1914-сон қарор билан тасдиқланган Низом). Компаниянгиз ҳеч қандай импорт контрактларисиз ходимларингизнинг ушбу харажатларини қоплаши мумкин.

Александр Лобанов, «Norma Online» эксперти.

Кафилни изланг

Топшириқ шартномасини тузишимиз зарур. Топшириқ берувчининг счётида пул маблағлари йўқ. Шу сабабли вакил топшириқ берувчи учун ўз ҳисобидан товар харид қилиши шарт.

Топшириқ берувчи вакилга товарни вакил ҳисобидан харид қилиш топширигини бера оладими?

А.Муродов, юрисконсульт.

– Йўқ, бундай қила олмайди. Топшириқ шартномаси бўйича вакил топшириқ берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилади.

Топшириқ шартномаси бўйича вакил топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ юридик ҳаракатларни содир этади. Топшириқни бажаришда вакил топшириқ берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилади. Вакил тузган битим бўйича мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади (ФКнинг 817-моддаси). Вакил кимнинг номидан ва нима асосда ҳаракат қилаётганини кўрсатиши шарт.

Вакил ўз ҳисобидан ҳаракат қила олмайди. Бу топшириқ моҳиятига зид келади.

Сизнинг ҳолатда сотувчи (етказиб берув-

чи) билан олди-сотиш шартномасини тузишнинг мумкин. Счётида пул маблағлари бўлган ва товарнинг ҳақини тўлаш истагини билдирган шахс **кафилнинг бўлиб чиқиши мумкин**. Бунинг учун кафилик шартномасини тузиш зарур (ФКнинг 292-моддаси). Шартномада сиз мажбуриятларни бажармаган тақдирда кафил олди-сотиш шартномаси қийматини тўлашни зиммасига олишини кўрсатиш лозим.



Қарз шартномаси: бекор қилиш хусусиятлари

Корхонамиз молиявий қарз шартномасини бекор қилиш тўғрисида келишув тузди. Келишувга кўра 31.10.2015 йилдаги шартнома 25.08.2017 йилдан бошлаб бекор қилинган деб ҳисобланади. Молиявий қарз 25.08.2017 йилда қайтарилган. Фоизлар қарз қайтарилган кунгача ҳисобланишидан хабаримиз бор. Келишувдаги 25.08.2017 йилдан бошлаб бекор қилиш тўғрисидаги сана тўғри белгиланганми? Ёки бекор қилиш санасини 26.08.2017 йилдан деб белгилаш керак эдимиз? Фоизлар ҳисобланиб, тўланиб бўлган.

Қарз шартномасини бекор қилиш санасини қандай белгилаш мумкин?

Замира, бухгалтер.

– Сиз қарз шартномаси бўйича фоизларни шартномада назарда тутилган муддатда қайтаришнинг шарт. Шундан кейин бекор қилиш тўғрисида келишув тузилади.

Қарз шартномаси бўйича фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартноманинг ўзида белгиланади. Агар ушбу муддат шартномада белгиланган бўлмаса, фоизлар асосий қарзни қайтариш муддатида тўланади (ФКнинг 734-моддаси).

Шартнома бекор қилинганда **тарфларнинг мажбуриятлари шартномани бекор қилишга келишилган пайдан бошлаб бекор бўлади** (ФКнинг 385-моддаси). Бекор қилиш тўғрисидаги келишувда бошқача тартиб

назарда тутилиши мумкин. Шу тариқа, аввал қарз шартномаси шартларини бажариш: асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлаш зарур. Шундан кейин (эртаси кун) тарфлар шартномани бекор қилиш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Яъни қарз ва унга доир фоизлар 25.08.2017 йилда тўланган бўлса, бекор қилиш тўғрисидаги келишувни 26.08.2017 йилда тузиш керак.

Шартномада у тарфлар мажбуриятларни тўлиқ ижро этгунига қадар амал қилиши қайд этилган бўлса, қарз ва унга доир фоизлар тўланганлиги далили улар ижро этилганидан далолат беради. Бу ҳолда шартнома бекор қилинганлиги тўғрисида келишув тузиш керак эмас.

Сабоҳат Султонова, «Norma Online» эксперти.

«NORMA» компанияси жамоаси

Илҳом Рустамович КАРИМОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Микробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: shx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МФКнинг компьютер базасида терғилиш ва саҳифаловчи.
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тобик. Басма келишган нақдда.
Буқотлма г-1182. Адади 1 080. Газета 2017 йил 21 ноябрь соат 14.30 да топширилди.

1 2 3 4 5 6